

НУРАФШОНЛИК ЧЕВАРЛАР = АСЛ МЕХНАТСЕВАРЛАР



Бугунги кунда юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорларга фаолиятини йўлга қўйиш учун ер майдонлари ажратилиши, имтиёзли кредитлар берилиши ҳамда маълум муддат солиқлардан озод қилиниши шулар жумласидан. Тадбиркорликнинг ривожланиши баробарида эса иш-сиз аҳоли қатламининг қисқаришига эришилмоқда.



Тадбиркорлик

Яқинда Нурафшон шахрининг "Ёшлик" маҳалласида янги тадбиркорлик субъекти – "Irod textile" тикув цехи фаолиятини бошлади. Илгари ташлан-дик ҳолатда бўлган ер майдонидан бугун катта ишлаб чиқариш иншоотининг барпо қилиниши ортдан 600 та янги иш ўрни яратилди. Айни кунда корхонада 400 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ туманидаги "Келес" сув иншооти маҳаллаларга ичимлик суви етказишни бошлади.

Жорий йилда ҳудудга 4 донна насос агрегати ўрнатилди. Натижада 92 фоиз (116 минг 720 та) аҳоли хонадонларига узлуксиз тоза ичимлик суви тармоқлари тортилди ва махсус кутиларда ҳисоблагичлар ўрнатиб берилди.

БЕКОбОД шахри маҳаллаларининг ҳоким ёрдамчилари тавсиясига кўра, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида дафтарларда турадиган 29 нафар хотин-қизга тадбиркорликни бошлашлари учун 28 донна тикув машинаси ва 1 донна совутич берилди.

БЎСТОНЛИҚ туманида "Битмас хазина" китоб фестивалига старт берилди.

ОХАНГАРОН шахрида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари 7/24 соат ишлайдиган махсус кўча фаолиятини бошлади. Ҳудудда 30 дан ортиқ хизмат кўрсатиш ва савдо нуқталари ишга туширилиб, 60 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Қарор ва ижро

ЁШ ДЕҲҚОНЛАРДАН БАРАКАЛИ ҲОСИЛ



Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги "Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида Тошкент вилоятида жорий йилда 15 та туманда 10 минг 847 нафар ёшнинг ҳар бирига 30 сотихдан 50 сотихгача ер майдонлари ажратилган эди.

➔

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

ҚИШЛОҚНИНГ ЭПЛИ АЁЛЛАРИ

Ўтган йиллар ичида мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари жадал ривожланиб, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Оқилона сиёсат, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар туфайли барча соҳаларда ўсиш кўзга ташланмоқда. Мазкур жараёнларда хотин-қизларнинг ўрни ва роли эса тобора ортиб бормоқда.



Дарҳақиқат, бугун хотин-қизларимизнинг қадами тегмаган жой, улар эгалламаган соҳа қолмади ҳисоб. Улар ижтимоий соҳадан тортиб, иқтисодиёт, саноат, давлат ва жамият қурилишида фаоллик кўрсатишмоқда. Қанчадан-қанча соҳа ва тармоқларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаётган хотин-қизлар сони мунтазам равишда ортиб бораётти.

Вилоятимизда ҳам "...бирорта хотин-қиз давлат ва жамият эътиборидан четда қолмайди", деган қатъий тамойил асосида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид қарорлар асосида амалга таъбиқ этилаётган дастурлар, лойиҳалар ва чора-тадбирлар натижалари хотин-қизларимизнинг ҳаётида акс этиб, уларнинг турмуши фаровонлигини таъминлашга, кадрини оширишга хизмат қилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 80 минг 736 нафар хотин-қиз ишсиз деб қайд этилиб, улардан 43 минг 34 нафарининг бандлиги таъминланди. 6 минг 74 нафари касб-ҳунарга, 2 минг 838 нафари тадбиркорлик кўникмалари ва молиявий саводхонликка ўқитилди, 11 минг 367 нафари доимий ишга, 3 минг 504 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлашди, 13 минг 94 нафари ўзини-ўзи банд қилди. 395 нафарига субсидия асосида меҳнат қуроллари олиб берилиб, тадбиркорликни бошлашларига имкон яратилди.

➔

Жамият

Ватан!.. Бу сўзга таърифу тавсифлар бисёр. Она юрт, она тупроқ, жаннатмакон дийёр, жонажон ошён, шоир айтганидек, боғу бўстон, чаману гулистон бу Ватан. Аслини олганда, бу муқаддас тушунчага қандай сифат берсак, унинг номини кўкларга кўтариб қанча улғуласак шунча кам.



БАХТИ БЕКАМЛИК ШУКУҲИ



Бежиз сўзимиз муқаддимасини барча учун азиз бўлган Ватан туйғуси, унинг қадр ҳақида бошламадик. Ҳозир ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Ўзбекистонда уни-ўсиб, яшаб келаётган, ўзи хорижлик бўлса-да, анча йиллардан бери юртимиз тупроғини ардоқлаб, она заминимизни ўз Ватанидек суйган, яна айрим сиёсий омиллар сабаб собиқ иттифок даврида фуқаролигини йўқотган ватандошларимиз, хуллас, йилларки шу мамлакат ривожини, унинг тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган, аммо яқин-яқингача "она Ватан" дея тан олган юртида ўзларини бегонадек ҳис қилиб яшаган инсонлар ҳақида.

Асли ўзбекистонлик Дилбар Худойбердиева 33 йилдики фуқаролик ололмай, заҳмат чекиб келган инсонлардан бири. Гап шундаки, Дилбар опа 1981 йилда Тожикистонга келин бўлиб тушган, Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиб кетади. Тақдир эканда, иш, турмуш ташвиши билан онахон яна ўз Ватанига қайтиб келади. Бироқ ўша пайтлар Ўзбекистон эндигина мустақилликка эришган, тузум ўзгарган, фуқароликни олишда эса, қатор қийинчиликлар кўндаланг турган давр эди. Дилбар опа неча бор фуқаролик сўраб, идоралар эшигини қоқмасин, рад жавобини олар, фақатгина қўлидаги совет давриддан қолган "қизил паспорт"

орқасига "временная" деган тамғани уриб беришарди, холос. Бу билан у бирор тузукроқ ишга ҳам жойлашолмасди.

Ўтган йилларда кўрган-кечирганлари, сарсонгарчиликларини эслаб, аянинг юзига ғамгинлик югурди.

– Очиғи, ўша кунларни эслагим ҳам келмайди, – дейди Дилбар ая кўзига ёш олиб. – Энг алам қилгани икки нафар қизимни фуқаролиги бўлмагани сабабли бўйи етган вақтда узатолмадим. Келган совчилар: "Қизингизнинг پاسпорти йўқ экан, эртага бизга ҳам муаммо бўлади", деб қайтиб кетишарди. Шуни уйлаб кўп сиқилардим. Ўзим кўп марта давлат идораларига иш сўраб борганман. Ҳаммасидан паспорти бўлмагани сабаб рад жавобини эшитардим. Бу ёқда рўзгор, ишласам бўлмасди. Но-илоҳидан турмуш ўртоғимга харна ёрдам бўлсин деб фермер хўжалиқлари даласида ишчи бўлиб ҳам ишладим. Айтман десам, гап кўп... Шукр, ҳаммаси ортда қолди.

Қарангки, бу оиланинг 33 йиллик орузи ушалди. Улар Ўзбекистон фуқаролигини олишди. 5 нафар фарзандни вояга етказиб, уй-жойли қилган Дилбар Худойбердиева ҳозирда Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридаги "Кимёгар" маҳалласида оиласи бағрида умргузаронлик қилиб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

УСТОЗ

шиқоят қилмайди!

4





Зангиота туманидаги "Эски қалъа" маҳалласида яшовчи Луиза Сунгатулина ҳам "Бизнесга бир қадам" лойиҳаси доирасида 5 миллион сўм кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Ҳозирда унинг маблағ айланмаси 85 миллион сўмга етди.

— Турмушим ўхшамаганидан кейин, фарзандим билан ёлғиз қолдим, — дейди Луиза. — Қўлимда ишим йўқ, ота-онам ҳам нафақага кун кўришади. Маълум вақт маҳалла фаоллари ёрдам беришди, ўзим ҳам савдо билан шуғулландим. Лекин боламни ташлаб ишга чиқсам, муаммолар бошланди. Яна уйда ўтиришга мажбур бўлдим. Кредит олиб иш бошлашни таклиф қилишганда жон деб рози бўлдим. Тикув машинаси олиб, чойшаб тикишни бошладим. Буюртмалар кун сайин кўпайиб борапти, баъзан улгурмай қолам.

Луиза тиканларини сотиш учун бозорга олиб бормади, ким буюртма берар экан деб ҳам кутиб ўтирмади, сотишнинг замонавий усулини танлади. У ҳозирда аммалар Uzum Market иловасида ўзи учун кабинет очди ва маҳсулотларини жойлаштирди. Айтишича, бу унга ҳар томонлама қулай, жой қидирмайди, ижара тўламайди. Савдо соҳаси ҳам рақамлашиб бораётган бир вақтда бу қўлайлик Луиза сингариларнинг мушкулларини осон қилмоқда.

Шу каби ёрдамлар эвазига қаддини тиклаган, оиласини моддий жиҳатдан таъминлаётган, фарзандларини бекамму кўст тарбиялаб, воғна етказётган аёллар кўп.

Қибрай туманининг Май қишлоғига кетаверишда "Шалола" маҳалласи бор. Шу маҳалла орқали қўшни Қозғистонга ўтиш мумкин. Бу йўлдан юрғувчилар, албатта, гўжачи опаларнинг мўъжазгина тамаддончилигида меҳмон бўлмай кетишмайди.

Дурдона Мавлонова энг тажрибали гўжа тайёрловчилардан бири. Пазандалик унга бувисидан ўтган. Мана 10 йилдирки, ўзининг кичик тамаддончилиги бор. Бу иш билан оилавий шуғулланишади. Опаси қаттиқ ивтиб беради, ўзи билан қизи тайёрлашади.

— Авваллари бугдойни ховончага солиб ахшиллаб майдалар эдик, аммо ҳозирда бозордан гўжа учун махсус ошланган бугдойни харид қилиш мумкин, — дейди Дурдона Мавлонова. — Биринчи навбатда бугдойни яхшилаб ювиб, сув солиб ёрилиб пишунча қайнатилади. Обдон совуғач, қаттиқ ёки

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Қишлоқнинг ЭПЛИ АЁЛЛАРИ

имкониятлардан унумли фойдаланиб, уйда ўтирган ҳолда даромад топмоқда.

Маҳаллада у каби ўзини ўзи банд қилган аёллар талайгина. Балки шунинг учун ҳам "Қирсадоқ" маҳалласи тажрибаси вилоят бўйича оммалашаётгандир.

Томорқасини яшнатиб, мавсумга қараб экин-текин ишларини рисоладагидек олиб бораётган аёллардан яна бири Урта чирчилик Ҳақима

келаси йил об-ҳаво ва бошқа омиллар сабабли кўзланган натижа бўлмаслиги мумкин. Масалан, бу мавсум эккан корейс карамимизга кўрт тушиб, истеъмол учун яроқсиз ҳолга келди. Ҳосил чўги баланд эди, бари увол бўлди. Лекин тушкунликка тушмай, ишимни давом эттираведим. Бошқа сабзавотлар ҳосили билан ўрни тўлиб кетди.

Бу ҳовлидаги 22 сотих ерда 3 йилдан бери экилаётган брокколи карами пойтахт бозорларидан ташқари, Қозғистон ва Россия давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Ҳосил кети узилмаслиги учун экиш тартиби ҳам навбат билан, яъни, маълум сотихдаги ҳосил тушагача кейингиси етилиб туради. Шу тарихи маҳсулот узлуksизлиги таъминланади.

Вилоят туманларида давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз ҳалол меҳнатлари билан оиласига даромад кел-



сузгани совуқ сув билан аралаштириб суюқтирилади. Сунгра қолган маҳсулотларни қўшиб, аралаштирилади. Қарабсизки, гўжа тайёр.

Зилола Юнусова ҳам 30 йилдан бери гўжа тайёрлаб, сотар экан.

— Оилада 6 фарзанд бўлганмиз, — дейди Зилола опа. — Отамдан айрилгач, онам бизларни боқиш учун гўжа тайёрлаб сота бошладилар, биз уларга ёрдамлашардик. Кунига 4-5 литр тайёрлаб, кўча ёқасига чиқиб сотиб келардик. Ушандан бери шу иш билан шуғулланаман. Икки йил бўлди, "Зилола эко" оилавий корхонасини очдим. Тайёрлаш жараёни, сарфланадиган меҳнат ва солинадиган маҳсулотнинг нарҳини ҳисобга олсак, гўжа қиммат эмас. Энг муҳими, фойдали, тўйимли ва танлага қувват беради.

Аёллар билан суҳбат чоғида билдикки, бу маҳаллада гўжа ва айрон бир неча усулда тайёрланар, уни бир татиб кўрган киши, албатта, бошқаларни ҳам бошлаб келар экан. Буни миқозларнинг кўплигидан ҳам англаш мумкин.

Янгийўл туманилик Фарида Мирсолихова ҳам тибиб-тинчиманган аёллардан. Келин бўлиб тушибдики, ер билан тиллашади. Очқ ерга ҳали помидор, ҳали кўкат экиб, рўзгорнинг форини тўлдиришда турмуш ўртоғига ёрдам бериб келади. У яқинда "Аёллар дастфари"нинг тадбиркорлик қилиш истаги борлар тоифасига киритилди ва замонавий иссиқхона ҳамда биогумус тайёрлаш учун кредит олди. Биогумус тайёрлашда ўғли унинг яқин кўмакчиси. Ўзи эса иссиқхонадан бери келмайди. Сабаби, йил бўйи ҳосил олиш йўллари ўрганмоқда. Ҳовли этағидаги кўраси ҳам бўш эмас, бир неча бош қўй "маъраб" турибди. Хуллас, Фарида опа ҳам



Норматовадир. Айни пайтда унинг томорқасида брокколи карами етилган. Бундан ташқари, бўш ерга рўзгорбоп сабзавотлар экилган.

— Аслида деҳқончилик — таваккалчилик, деб тўғри айтишади, — дейди Ҳақима опа. — Бир йил мўл ҳосил олсанг,

тираётган кўплаб қўли гул аёлларни учратдик. Улар ҳақида келгуси мақола-ларимизда ҳикоя қиламиз.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Очиғи, фуқароликнинг кадр-қиммати, ижтимоий аҳамиятини оддий бир инсон ўлароқ доим ҳам билавермаймиз. Аммо йиллар давомида шу юртда униб-ўсиб, меҳнат қилган, бироқ фуқаро сифатида тан олинмай келинаётган инсонларни кўрганда, уларнинг бошидан ўтказган қийинчиликларини эшитганимиздагина фуқаро-сизлик машаққатини чуқурроқ тушунаемиз.

Яшириб нима қилдик, яқин-яқингача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқаролик масаласи анча баҳс-мунозарали, ақсар ҳолларда эса ҳеч бир масъул ҳодим аралашини истамаган, ёпиқ мавзу бўлган. Шу тўғрисида кўплаб ватандошларимизнинг инсоний ҳуқуқларини тиклашдек долзарб ҳаётий масала пайсалга солиб келинди.

БАХТИ БЕКАМЛИК ШУКУҲИ

Гапимиз биров бўрттиришдек туюлиши мумкин, аммо рақамлар ҳақиқатини очик-ойдин намоян қилиб қўяди. Мана қаранг, 1991 йилдан 2007 йилга қадар, аниқроғи, 16 йил давомида республикамизда атиги 482 нафар фуқаролик олиш истағида бўлган шахсга ушбу мақом берилган. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти спортчилар. Аммо 2007 йилдан то 2016 йилнинг декабрь ойига қадар фуқаролик сўраб эшик қоққан мурожаатчиларга мутлақо рад жавоби берилган.

Албатта, йиллар ўтди, қарашлар ўзгарди. Янгича ислохотлар даври бошланди. Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятининг илк кунлариданоқ бу масалага жиддий эътибор қаратди. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, мутасаддилар олдиға фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш вазифасини қўйди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг ўтган йилги Парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйишнинг самарали механизмлари айтиб ўтилган.

Айни шу омилларга асосан, "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги" Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Эътиборлиси, қонунда фуқаролик институтининг асл мазмун-моҳияти, унинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги асосий тушунчалари аниқ-тиниқ белгилаб берилди.

— Мазкур қонунда соҳага оид асосий тушунчалар алоҳида тавсифланган, — дейди Тошкент вилояти ИИББ инспектори, майор Абдуқодир Мўминов. — Мисол учун, ариза берувчи, бола, ватандош, ёлғиз ота ёки она, тирикчиликнинг қонуний манбаи, фуқаролиги бўлмаган шахс, фуқароликнинг ўзгариши, чет эл фуқароси каби тушунчаларга аниқ таъриф берилди. Бу, албатта, ҳуқуқни қўллаш соҳасида бир қатор енгилликларни келтириб чиқаради.

Айниқса, Қонуннинг 6-моддаси энг муҳим, узоқ кутилган тарихий ўзгаришларга сабаб бўлди. Ушбу моддага кўра, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган ва доимий рўйхатдан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда ушбу қонун кучга киргунига қадар фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон ҳудудига яшаш гувоҳнома-си асосида яшаб турган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олинishi қайд этилди. Натижада биргина Тошкент вилоятда 2020 йилдан шу кунга қадар жами 3 мингдан ортиқ шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароли-гига қабул қилинди.

— Янгича талқиндаги қонуннинг яна бир муҳим жиҳати — бундан буён фуқароликни олмақчи бўлган талабгорлар қозғозбозлик, турли бюрократик тўсиқлардан холи бўлишади, — дея давом этди А. Мўминов. — Биргина мисол, фуқаролик олиш учун топшириладиган ҳужжатларнинг сони 12 тадан 6 тага қисқартирилди. Шунингдек, аризаларни қабул қилишнинг 3 та — умумий, соддалаштирилган ва алоҳида тартиблари жорий этилди.

Тан олиш керак, мана шундай ислохотлар ортидан Дилбар Худойбердиевадек кўплаб инсонларнинг орузлари ушалди. Аммо бу фақатгина ниятлар рўёби эмас, балки азалий қадриятларимиз, ўзбекона бағрикенглик, инсонийлик каби фазилатларимизнинг яна бир намойишидир.

ЭРАЛИ НОРБЕКОВ

Мақола Тошкент вилояти ИИББ билан ҳамкорликда тайёрланди

НУРАФШОНЛИК ЧЕВАРЛАР — АСЛ МЕҲНАТСЕВАРЛАР

Аслида, мазкур ном 31 йилдан бери текстиль соҳасида маълум ва бугунги кунда республикадаги энг машҳур брендлардан саналади. Вилоят марказида очилган корхона ташкилот учун учинчиси, иккитаси Тошкент шаҳрида фаолиятини самарали давом эттириб келмоқда. Республиканинг ақсар ҳудудларида аҳолига хизмат қилиб келаётган тез тиббий хизмат ва ўт ўчириш ходимлари, шунингдек, "RoZmetov", "AKfa", "Наш сад" каби кўзга кўринган ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийимлар айнан шу ташкилотда тикилади. Ҳаттоки, спортчиларимиз киядиган "7Saber" бренди остидаги формаларнинг илк намуналари ҳам улар томонидан тайёрланган.

— Бу ерда, асосан, кийим-кечак ва бош кийимлар тайёрланади, — дейди корхона директори Улуғбек Алимўхамедов. — Матолар Хитой ва Туркиядан келтирилади. Тайёр маҳсулотлар юртимизнинг барча вилоятларида очилган дўконларимизга жўнатилади. Ҳозирги кунда 16 та дўконимиз бор. Махсус буюртмалар эса корхонанинг ўзидан харидорларга етказилади. Бундан ташқари, Россия ва Тожикистонда ҳам қатор ҳамкорларимиз бор. Хусусан, Россия-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



даги энг йирик дам олиш масканларидан бири "Артек" оромгоҳи учун махсус либосларни ҳам биз етказиб берамиз.

Лойиҳа қиймати қарийб 7 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур корхона йилига 6,5 миллион дона кийим-кечак ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Дарвоқе, корхона айни дамда Ўзбекистондаги тез тиббий хизмат ходимлари учун янги махсус кийимлар

тайёрлаш устида иш олиб бормоқда. Ҳозирга қадар улар томонидан 20 хил намуна тайёрланиб, мутасаддиларга тақдим этилган. Улар орасидан маъқули танлангач, ишлаб чиқариш жараёни бошланishi режалаштирилган.

СУХРОБЖОН САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

— Менга 30 сотих ер майдони берилган, — дейди Оҳангарон туманининг "Қизилой" маҳалласида яшовчи Абдувоид Абдуҳалилов. — Мавсум бошида ер ёнғоқ эдик. Етиштирилган ҳосилдан 20 миллион сўм соф даромад олиш мўлжалимиз бор. Бу мустақил равишда бошлаган биринчи деҳқончилик ишим. Келгуси йил учун пухта режаларим бор. Бунинг учун сармоғам ҳам етарли.

таклифларини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида мунтазам ишлар қилинмоқда, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Мирозис Мирсултонов. — Айниқса, деҳқончилик билан шуғулланиш истағида бўлган ёшларнинг қишлоқ ҳўжалиғи тармоқла-



ЁШ ДЕҲҚОНЛАРДАН БАРАКАЛИ ҲОСИЛ

Маҳалланинг ёшлар етакчиси Дирёбек Раҳматуллаевнинг айтишича, ҳудудда йилгит-қизлар билан индивидуал ишлаш тизимини жорий этиш учун 14-30 ёшдаги 856 нафар ёшнинг фаолияти таҳлил қилинди. Улар уч тоифага ажратилиб, тарбияси оғир ва алоҳида ишлаш зарур бўлган ёшлар турли даражадаги ташкилот-муассасалар раҳбарларига бириктирилди. Натижада ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган 15 нафар ўғил-қизга амалий кўмак берилди. Утган йил ҳам 42 нафар ёшга сабзавотчилик ва чорвачилик учун ер майдонлари ажратилган эди.

— Маҳаллалардаги ёшлар (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

рида бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Жорий йил бошидан буён сувли жойлардан 5 минг гектарга яқин ер майдонлари ажратилди. Ёш деҳқонлар "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида сабзавот, дуккакли ва полиз маҳсулотлари етиштиришмоқда. Йўлнинг Бўка туманининг "Ачамайли Файз-барака" маҳалласига тушса, кўплаб хонадон томорқаларида ва кенг далаalarda ҳосил йиғиш ишлари давом этаётганига гувоҳ бўласиз.

— Бизга эрта баҳорда "Е-аuksion" электрон савдо платформаси орқали серунум дала-лардан ер майдонлари ажратиб берилган эди, — дейди шу маҳал-

лалик Ҳасан Қуролбоев. — Ер ёнғоқ экканмиз. Ерга уруғ қадаганимиздан бошлаб ҳозиргача тажрибали деҳқонлардан маслаҳат олиб, меҳнат қилдик. Укам Хусан билан 40 миллион сўм атрофида даромад олишни режалаштирганмиз.

Тошкент вилояти ёшлари бошқа йўналишларда ҳам белни маҳкам боғлаб оилавий даромадга ҳисса қўшишга астойдил интиломоқдалар. Уларнинг айримлари хонадонда мебелчилик, чорвачилик билан шуғулланаётган бўлса, баъзилари тадбиркорлик орқасидан тенгдошларини ҳам иш билан таъминламоқда.

АБДУЛАЗИС МУСАЕВ

Имконият

Янги ўқув йили учун имтиҳон синовлари ту-
габ, талабалikka қабул қилинган ёшлар учун
ҳаяжонли кунлар бошланди. Ғалвир сувдан
кўтарилиб, билимлар синовдан ўтди. Вақтида
билим ва тажрибасини бойитган ёшлар ўзлари
хоҳлаган олий ўқув юртиларига ўқишга кирди.



Талқин

“Онам билан кетмон
чопган аёллар”

Европа зиёлилари орасида “оратор” деган тушун-
ча бор. Кўпчилик одамлар олдида ё улкан издиҳомда
қаловини топиб, нутқ ирод қиладиган кишиларни улар
шундай атайди. Сўзни ўзбекчада “чечан”, “сўзамол”
деб таржима қилиш мумкин. Бизда сўзамоллар унча
кўп эмас. Бори ҳам қоғозга қараб, ваъъ ўқишни хуш
кўради. Яна шундай сўзамоллар ҳам борки, улар
ийгин, байрам ё маълум бир ижтимоий-сиёсий мавзу-
даги маънавий-маърифий тадбирларда шунчақ маз-
мунли гаплар айтишадиги, беихтиёр “отасига раҳмат”
дегингиз келади. Мен ўзбек сўзамоллари ҳақида ўй-
ласам, дастлаб Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир
кўз ўнгимда гавдаланади.



Сира эсимдан чиқмайди. 2018 йилнинг киши эди.
Ангрен шаҳридаги 33-мактабда ўқитувчилик қилар-
дим. Шаҳардаги 2-Муסיқа ва санъат мактабига тад-
бирга таклиф қилишди. Сўзга шайдо ўқувчиларимни
олиб бордим. Маҳмуд Тоир ҳам шоғирди Ботир Эргаш
билан келган, тадбирнинг асосий меҳмони эди. Шоир
сўзга чиққанда, инсонлардаги ўзаро ҳурмат, ўтганлар
ёдини унутмаслик ҳақида ибратли гапларни айтиб,
гап орасида ўз шеърини ўқиб берди:

Деразадан тушган нурда, ўғлим менинг кўзим бор,
Элеа қилган савобинида билки ёруғ юзим бор,
Гар гафлатдан йироқ эрсанг, вужудингда ўзим бор,
Болам, отам ўлган дема, мен ўзинида яшайман,
Ким ортиндан дуо қилса, мен ўзинида яшайман.

Қизғи шуки, шоир аксар сатрларини ёд билар,
узун-узун шеърларни ҳам қоғозга қарамай, жўшқинлик
билан ўқирди. Ҳа, ёзиш бошқа, ўқиш бошқа. Шеърнинг
бутун гўзаллиги, “шира”си билан тингловчи хотирасига
муҳрлаш ҳам ўзига хос санъаткорлик ҳисобланади.
Устозни кўп қазатганман, минбарларда нутқ сўзласа,
доим “жонли” гапирди, “шларга”ки ишлатмайди. Хо-
тира зўр, ҳофиза кучли.

Маҳмуд Тоир ижоди ҳозирги истиқлол даври ўзбек
шеърятининг ўзига хос нодир саҳифаларини таш-
кил этади. Шоир ижодида инсоният ички маънавий
оламидаги руҳий тебранишлар, силкиншлар барча
мураккабликлари ва зиддиятлари билан акс этади.
Ҳар бир шеър ўз маъноси билан бадиий-эстетик вази-
фани бажаради. Яъни, у кимга ёки нимагадир бағиш-
ланган бўлади. Устоз бағишловларида асар ғояси
йўналтирилган шахсларнинг ибратли ҳаёт тарзи,
меҳнат ва машаққатлари худди кўзгудагидек акслана-
ди. Масалан, Маҳмуд ака “Онам билан кетмон чопган
аёллар” номли шеъри маъзига учта муҳим ғоявий юк
илдиради: 1. Ўз онасига эҳтиром. 2. Онасига шерик
бўлиб, биргаликда меҳнат қилган жафокаш ва муш-
фиқ аёлларга ҳурмат. 3. Шу икки ғоя негизида миллат
онапарига – умуман ўзбек аёлига шахсий эҳтиром
кўрсатилади:

Бир тул райхон қошида юз тиз буккан,
Йиғи келса, ялпизларга дил тўккан.
Қўлингиз гул – райхон эккан, гул эккан,
Онам билан кетмон чопган аёллар.

Қишлоқда пахта ҳосилини териб-йиғиб олишда
опа-сингилларимизнинг ҳиссаси кўп бўлиши исбот
талаб қилмайди. Бағишловда нафақат ҳосил олишда,
балки унча бўлган оғир меҳнат фронтида ҳам аёл-
ларнинг шижоати эркакларникидан кам бўлмаслиги,
гоҳида ошиб кетишига аниқ ишоралар кўринади.

Маҳмуд аканинг баъзи бағишловлари йўқлов-
марсия шаклида ёзилган. Бу жиҳатдан йирик ҳофиз-
лар Комилжон Отаниёзов, Ботир Зокиров, Отажон Ху-
дойшукуров, профессор Озод Шарафиддинов, шоир
Муҳаммад Юсуф ҳақидаги шеърларини тилга олиш
киёфя.

Бағишлов мазмундаги шеърлар сийрақроқ бўл-
са-да, тўртликлар ичидаям кўзга ташланади. Қуйда-
ги шеър муסיқа асбобларидан бири – танбур садоси
ҳақида. Эътибор берилса, шеърда шоирнинг миллий

соз устаси, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов-
га шахсий меҳр-ихлоси акс этганини илғаш мумкин:

Танбур садосида кўҳна андуҳ бор,
Кўксингни кўклатган сирли бир руҳ бор.
Чертса, уни Турғун Алимат чертса,
Раҳмат ёмғирдан томан шукуҳ бор.

Маҳмуд Тоирнинг “Сўз саодати” номли китоби
етти фаслдан иборат. Ҳар бир фасл алоҳида ном-
ланган бўлса-да, уларни бош аломат – маърифат
ёлқини бир ўзганга бирлаштиради. Шеърларни ўқи-
ган китобхон шуни англайдики, шоирнинг замон-
дошларига, айниқса, ёшларга айтadиган ўғитлари
жуда бисёр экан.

Тўрт жилдлик сайланманинг тузилиши ҳам пухта
ўйланган. Дастлабки икки жилдди шеър ва дostonлар-
дан иборат. Учинчи томининг асосий қисмини кичик ли-
рика, тўртинчи жилди эса публицистик мақолалардан
ташкил топган. Ҳар бир тўппамнинг кириш ва хотима
қисмида муҳтарам ёзувчи-адибларимизнинг устоз
Маҳмуд Тоир ижоди ҳақидаги мақолалари ўрин ол-
ган. Айтилганидек, “Умр китоби” номли учинчи тома
минга яқин тўртлик, яна чамаси шунча микдорда
иккиликлар мавжуд бўлиб, улар ижамлиги, мазмун-
дорлиги, ўқувчини маълум бир ҳулосага, маърифатга
даъват этиши билан диққатни жалб этади:

Ошиқликни даъво қилшдан олдин,
Мажнуннинг ҳолига бир назар солигин.

Ошиқлик – оғир матлаб. Уни ҳар ким ҳам зим-
масига олавермайди. Ошиқ бўлган киши машуққа
учун ўтда ёнишга, сувда чўкишга тайёр бўлиши ке-
рак. Жилла қурса, Мажнуннинг саҳродаги изтироқ-
ларидан оғоҳ бўлиши лозим. Мажнун азобини бўй-
нига олмаган одам ишқда садоқат кўрсатолмайди.
Қуйдаги сатрларда илм-маърифатнинг бебаҳоли-
ги, у орқали инсон руҳан минг йилдан ортиқ яшаши
мумкинлиги ифодаланган.

Балки бойлик билан юз йил яшарсан,
Илму ҳикмат билан миғнадан ошарсан.
Қалам – ижодкорнинг қуроли. У ҳолипик ва
самимиятни хуш кўради. Ижодда тама бўлмай-
ди. Тама аралашган ижоднинг умри қисқа бўлади.
Шоир айтмоқчи:

Қалам шоир учун қўлдаги тилло,
Бу тилло тамани ёқтирмас, илло.

Маҳмуд Тоир ижоди истиқлол даври шеърят-
нинг таркибий қисми бўлиб, уни ўрганиш мудом
давом этишидан умидворимиз.

Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,
филология фанлари доктори

Юртнинг кучи – бирликда, қадри эса

тинчликдадир



бир Ўзбекистон фуқаро-
сининг муқаддас бурчи
бўлиши шарт. Юртнинг
кучи – бирликда, қадри
эса тинчликдадир”, де-
ган сўзлари барчамиз
учун энг муҳим ҳаётий
вазифага айланмоғи ло-
зимлиги қайд этдилар.

Жорий йил Жамоат хавф-
сизлиги университети кур-
сантлари сафига 240 нафар
ўғил-қиз қабул қилинди. Улар
Ватанига, халқига ва Прези-
дентига содиқлиги ҳақида
тантанали равишда қасамёд
қабул қилишди.



Шу муносабат билан
ташкил этилган маросимда
дастлаб саф майдонига жан-
говар байроқ олиб кирилди.

Сўнгра 1-босқич курсант-
лари «Ватанга қасамёд» ва
Миллий гвардия хизматига
кириш қасамёдини қабул
қилди.

Тадбирда Миллий
гвардия кўмондони, гене-
рал-майор Рустам Жўраев
сўзга чиқиб, Президентимиз

университетга ташриф бую-
ргани, ташриф давомида
муҳим вазифалар белгилаб
берилганини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар давлати-
миз раҳбарининг “Тинчликни
сақлаш фақат ҳарбийлар-
нинг иши бўлиб қолмаслиги
керак, бу барчамизнинг – ҳар

– Мен болалигимдан
ҳарбий бўлишни орзу қилар
эдим ва ниҳоят талаба бўл-
дим, – дейди курсант Дило-
бар Мирзааҳмедова. – Қисқа
вақт ичида шунга амин бўл-
димки, билим олишимиз,
жанговар тайёргарликка эга
бўлишимиз учун универси-

лишга ваъда берамиз.
Тадбир давомида кур-
сантлар томонидан «Сафо-
на» ва «Кўл жанги» усуллари
намоийш этилиб, маърифат-
парвар жаҳид боболаримиз
ҳақида куй ва кўшиқлар куй-
ланди.

ЎЗА

Жинойятга жазо
муқаррар

“И.И” операцияси

Халқимизда “Оғзи куйган қатиқни ҳам пуф-
лаб ичади” деган нақл бор. Лекин бу нақл
И.И.га тегишли эмасдек гўё.

И.И. 2023 йилнинг ав-
густ ойида Қозоғистон Рес-
публикасида “Ғишткўприк-
авто” халқаро ўтказиш пунк-
ти орқали Ўзбекистонга
“TASSAY” минерал сувини
олиб кириши асосида “Тропи-
камид” психотроп моддасини
кўшиб олиб ўтишга уринган
вақтда ҳуқуқни муҳофаза қи-
лувчи органлар томонидан
қўлга олинган ва жиноят иши
кўзгатирилган.

Мамлакатимизда аёллар-
га нисбатан яратилган им-
кониятлар, шунингдек, И.И.
нинг ёлғиз она эканлигини
инобатга олиб, инсонлар-
варлик тамойили асосида
унга ҳулоса чиқаришга имкон
берилган ва қамоққа олиш
тарзидаги эҳтиёт чораси
қўлланилмай, гаров эвазига
озодликда қолдирилган.

Афсуски, И.И. бундан
тўғри ҳулоса чиқармади ва
содир этган жинояти бўйича
олиб борилаётган тергов ҳа-
ракатлари якунига етиб, қо-
нуний ҳукм чиқарилмасдан
туриб, яна жиноятга қўл
урди.

Таассуфки, И.И. оғирнинг
устидан, энгилнинг остидан
ўтгани афзал биландиганлар-
дан бўлиб чиқди. У психотроп
моддалар истеъмолига ружу
қўйган ҳолда Қозоғистон
Республикаси фуқаролари
ҳамда ўзининг шаърий нико-
ҳдаги турмуш ўртоғи Э.А.
билан тил бириктириб, яна
бир бор кучли таъсир қилу-
вчи дори воситаларини юрти-
мизга контрабанда йўли бил-
лан олиб кириш жиноятини
содир этди.

Хўш, аслида воқеа қан-
дай бўлган?

И.И. ўзига нисбатан худди
шундай жиноят учун тергов
ҳаракатлари олиб борила-
ётганига қарамай, 2023 йил-
нинг декабрь ойида Э.А. бил-
лан биргаликда Қозоғистонга
боради ва ноқонуний бойлик
орттириш ҳамда ўзининг
истеъмоли учун яқин “ҳам-
кор”ларидан “Тропикамид”
психотроп моддасини маъ-
лум нарх эвазига сотиб олиб,
Ўзбекистонга олиб кириш-

нинг антиқа усулини ўйлаб
топади.

Аввалги сафар “TASSAY”
минерал суви идишига оддий
сув сифатида кўйиб олиб ки-
ришга уринишлари бесамар
олиб кириши асосида “Тропи-
камид” психотроп моддасини
кўшиб олиб ўтишга уринган
вақтда ҳуқуқни муҳофаза қи-
лувчи органлар томонидан
қўлга олинган ва жиноят иши
кўзгатирилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қи-
лувчи органлар томонидан
олиб борилган тезкор тад-
бир давомида И.И. ва Э.А.
“Ғишткўприк-авто” халқаро
ўтказиш пункти орқали Ўзбе-
кистонга кириб келган вақтда
ашёвий далиллар билан қўл-
га олинди.

Ҳолат юзасидан И.И. га
иккинчи мартаба жиноят
иши кўзгатирилди ва бу гал унга
нисбатан қамоққа олиш тар-
зидаги эҳтиёт чораси қўлла-
нилди.

Шу тариқа осон пул топиш
мақсадида қонуний қўпоп ра-
вишда бузган “дорифуруш”-
нинг қилмиши фош этилиб,
қингир ишларига чек қўйил-
ди.

2024 йилнинг июль ойига
қадар давом этган процес-
суал нисбатан эса 5 йилу 2 ой,
декабрь ойида содир этган
жиноятини учун эса 5 йилу 6 ой,
Э.А.га нисбатан эса 5 йилу 6 ой
муддатга озодликдан
маҳрум қилиш жазоси тайин-
ланди.

Ҳа, қонуннинг қўли узун,
нигоҳлари ўткир. Унинг на-
заридан, қатъий талабидан,
қолаверса, жазодан қочиб ку-
тулиб бўлмайди. Ўз вақтида
тўхтатиб қолинган кучли таъ-
сир қилувчи дори воситалари
эса қанчадан-қанча инсон-
лар ҳаётини сақлаб қолгани
шубҳасиз.

Ҳолис ҲУШЁР

Haётнинг
буюк
савоми
Эркин матбуот яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши
мумкин. Эркин матбуот фақат ёмон бўлади.
Эркинлик, бу – ёлғон гапирмаслик ҳуқуқи-
дир.
Haётнинг буюк савоми – одамлар орасида
қандай яшаш.
Камдан-кам одам
санъатни англашга қо-
дир.
Ёзиш – миннатсиз
юмуш демакдир.
Альбер КАМЮ
кундалиқларидан

Энергиядан фойдаланиш
ҳолати ўрганилмоқда

Президентимиз томонидан жорий йил
27 августда ўтказилган йиғилишда электр
энергия йўқотишларини камайтириш ва ре-
сурсларни тежаш бўйича берилган топши-
риқлар ижросини таъминлаш мақсадида

Тошкент вилоятининг 22 та шаҳар ва туман-
ларида жойлашган йирик ва ўрта энергия
истеъмолчилари ҳамда энергия таъминот
корхоналарида энергия самарадорлиги бў-
йича ўрганишлар олиб борилмоқда.

Назорат



Ушбу ишларга 7 та олий таъ-
лим муассасасидан 232 нафар
профессор-ўқитувчи ва илмий хо-
димлар жалб қилинган. Улар ҳу-
дудлардаги йирик ва ўрта энергия
истеъмолчилари ҳамда саноат
корхоналарининг энергия сарфини
ўрганиб, аниқланган ҳолат юзаси-
дан таҳлилий ечимлар бермоқда-
лар.

Жумладан, Тошкент вилояти хо-
қимлиги, Олий таълим, фан ва ин-
новациялар вазирлиги, маҳаллий
ҳоқимликлар ҳамда прокуратура
мутасаддилари ҳамкорлигида олий
таълим муассасалари профес-
сор-ўқитувчиларидан иборат ишчи
гурӯҳлар томонидан Чирчиқ шаҳри,

Қўрай ва Паркент туманларидаги
подстанциялар, трансформатор-
лар, электр тармоқлари, газ тарқа-
тиш қўрилмалари, ишлаб чиқариш
корхоналарининг технология жара-
ёни ва энергия ускуналарида ўл-
чов-назорат ишлари амалга оши-
рилди.

Шунингдек, тадбиркорлар ва
аҳоли орасида энергия тежовчи ку-
рилмалар ҳамда қуёш панели ўрна-
тишнинг афзалликлари ва уларга
бериладиган имтиёзлар ҳақида му-
тахассислар томонидан маҳалла-
бай тушунтириш-тарғибот ишлари
олиб борилди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги
Ахборот хизмати

Пишиқчилик



Иигирма тўртинчи йил олмалари

Жалолиддин ЭСОНОВ сурат-лавҳаси



Осиё чемпионатидан 10 та медаль!

Академик эшак эиши бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Хитойнинг Шаньян шаҳри мезбонлик қилган Осиё чемпионатидаги иштирокини якунлади.

ОКМКда ғалаба, "Металлург" да эса...

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг 18-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу турда жорий мавсумда ғалаба нелигини билмай келаётган Бекободнинг "Металлург" жамоаси "Олимпик"ка қарши майдонга чиқди.

Олмалиқнинг ОКМК клуби эса мазкур турда ўз майдонида "Сурхон"ни қабул қилди. Қизиқarli ўтган учрашувда олмалиқликлар Ойбек Рустамовнинг голи эвазига 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Ушбу ғалабадан сўнг, "Кончилар" ҳисобидаги очколари сонини 35 тага етказиб, турнир жадалининг 2-поғонасини эгаллаб туришибди.

Оқ-қора донлар баҳси

Будапешт шаҳри мезбонлик қилаётган 45-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасининг 6-тур баҳслари якунланди.

Ушбу турда эркаклар терма жамоамиз Исроилини 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этишди. Айниқса, Нодирбек Абдусатторов ҳамда Нодирбек Ёқуббоевнинг ғалабаси кувонарли бўлди.

Қизларимиз эса Нидерландия билан 2:2 ҳисобида дуранг кайт этишди.

Мазкур турдан сўнг вакилларимиз 5-ўринни эгаллаб туришибди.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

Дарвоқе

Давр ўтган сари...



- Уйлар катталашди, аммо оилалар кичирайди;
• Тиббиёт ривожланди, бироқ касалликларнинг тури кўпайди;
• Одам Ойга етиб борди, аммо ён қўшнисининг ҳолидан беҳабар;

ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИСҚА ҲИКОЯЛАРИ

РОБИЯ

Эй, Худойим, яқинда туғиладиган укам ҳам қиз бўлишини хоҳлардим. Ушанда биз бувижоним билан бирга яшардик...

АФСУС

Ҳайдовчи тамаки тутатди ва қанча ёқилги қолганини билмиш учун бензин бакига эгилди.

ҚАСД ВА ХАЛОС

Жонимга қасд қилиш учун ўзимни пастга ташладим. Кейин фикримдан қайтдим...

ТАҚДИР

Вақтларо саёҳатчининг хаёли: "пароль" нима эди-я?

УМИД

"...Биз бошқа ҳеч қачон учрашмаймиз! Бошқа ҳеч қачон тўқнаш келмаймиз! Бошқа ҳеч қачон кўзларимиз кўзларимизга тўшмайди..."

ГУНОҲҚОР

У ҳақиқий гуноҳқор эди. Чунки, бир юз иигирма тўрт минг суворийдан ёлғиз угина урушдан ватанига соғ-омон қайтди.

МАСЪУЛИЯТ

Етти боланинг кийимлари оғирлик қилиб узилган дор, уйдан бош олиб кетаётган эркак оёқларини чапиштириб йикитди.

Унутилмас лаҳзалар

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график рассом Нусратилла Абдуллаевнинг "Унутилмас лаҳзалар" номли 80 дан ортиқ рангасвир ва графика йўналишидаги асарлар, қатор китобларга ишлаган муқова ва иллюстрациялари ўрин олган кўргазмаси давом этмоқда.

Экспозициядан ижодкорнинг "Пахтанома", "Олмалиқ металлургия заводи", "Оролга бағишлов" туркумидаги расмлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг "Чорвоқ узра парвоз: Чиноркент", "Чорвоқда тонг", "Кумушкон", "Чорвоқ", "Хумсон йўли", "Кумушкон ёмғирдан

олдин", "Чорвоқ, Ҳожикент" каби асарлари ўрин олган. Рассом 1954 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. П.Бенков номлидаги рассомлик билим юрти, Тошкент театр ва рассомлик институтида ўқиган. Етакчи нашриётларда ишлаган. Кўплаб республика кўргазмалари

Кўргазма



қатнашчиси. Россия профессионал рассомлар уюшмаси аъзоси. Ҳозирда К. Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида "Миниатюра ва китоб графикаси" кафедрасида дарс беради. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Биллур Бисотдан

УСТОЗ шикоят қилмайди!



Тарбиячиликда энг хуш кўрган нарсаси — ўқитувчининг ўқувчидан шикоят қилишидир. Орамизда шундайлар бор, болаларни яхши-ёмонга ажратадилар.

Ҳатто айримларини ўзларига душман сайлаб, уни китмирлик билан таъқиб қиладилар. Ҳали ўқитувчилар хонасига, ҳали директор, ҳали илмий мудир қўшига таъзирини бермоққа тортқилар. Дарсларидан қувиб соладилар. Ҳой, биродар, бу билан заифлигингни, ярқисилгингни томга чиқиб эълон қилмаясанми? Сенга 45 минутлик дарс ҳокимлиги берилди. Болага илм бериш деган

касбга беш йил ўқигансан, бир неча йилдан бери мактаб аталган болаларда тажриба йиғясан, нега боланинг тилини тополмайсан, шу кунгача нима иш қилиб юрдигин? Дарс сеники, фан сеники, бу соатнинг иш ҳақини ҳам сен оласан болаларингни синф раҳбари тинчити берсинми? Дарсингни ўтолмаётганингни куй, энг ёмони, ўша синфнинг интизомини бузиб чиқясан! Болаларда ҳамма устозни ҳам эшитиш шарт эмас, уларни калака қилса бў-

лавереди, деган фикр уйғотясан! Кимки мен фақат фаним учун жавоб бераман, интизом билан синф раҳбари шугулланади деган гапни айтса, у муаллим эмас! Биз ҳатто боланинг ота-онасига ҳам интизом учун фақат сиз қайғурасиз, деб айта олмаймиз. Биринчи ишмиш — тарбия. Кейин илм! Илм илоҳий нёъмат, уни эса тарбия йўқ жойга сочиб бўлмайди. Турсунои СОДИҚОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Мана гап

Тарбиячи ўз тарбияланувчиларини қандай кўришни истаеса, аввало унинг ўзи ўшандай бўлмоғи лозим.

В. ДАЛЬ

Чин дўстлик

Бир куни икки дўст баҳслашиб қолишибди ва бири иккинчисининг юзига тарсаки туширибди. Тарсаки еган йигит, дили оғригача ҳам, бир сўз айтмай, кумга "Бугун чин дўстим менга тарсаки туширди", деб ёзиб қўйибди.



Улар йўлларига давом этаётганларида, дарёга дуч келишибди ва чўмилишибди. Шунда тарсаки еган йигит чўки кетишига оз қўлибди.

Дўсти тезлик билан ҳаракат қилиб, уни қутқариб қолибди. Йигит эса тошга "Бугун чин дўстим ҳаётимни сақлаб қолди", деб ёзиб қўйибди.

Бунга ажабланган ўртоғи сўрабди: — Нега сени хафа қилганимни кумга, ҳаётингни сақлаб қолганимни эса тошга ёзиб қўйдинг? — Кимдандир дилимиз оғриганида, хафгарчилигимизни шамол учуриб кетиши учун кумга ёзишимиз керак. Бизга яхшилик қилишганда эса, ҳеч қачон ўчиб кетмаслиги учун тошга ўйиб ёзишимиз шарт... Шарқ ривояти



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkent skaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAQHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Sirojiddin ESHQUVVATOV
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifra ERALIYEV
Sergey MUTIN

Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA
Navbatchi: Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 19:20
Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-935.
3 025 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.